25 АПР 1986

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИНИНГ
ОРГАНИ

№ 98 (5389).

30
Апрель, 1984 й.

ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ва XI чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси маъқуллаган умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларига мувофиқ ислоҳотнинг конкрет масалалари юзасидан қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорларнинг баёни яқин вақт ичида эълон қилинади.

Бугун «ЁШЛАРГА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БЕРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ги қарор эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети шу қарорга мувофиқ иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, СССР Маориф министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар

(Давоми учинчи бетда).

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

МОСКВАДАГИ «СЕРП И МОЛОТ» МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



Суратларда: завод ишчилари ўртоқ К. У. Черненкони табрикламоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко заводни кўриш вақтида ишчилар билан суҳбатлашмоқда.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотолари. (ТАСС).

Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи — социалистик индустриянинг илғор корхоналаридан бири. Завод ўзининг юз йилдан кўпроқ вақт илгари бошланган шонли тарихига эга. Катта, аҳил коллективнинг бугунги кундаги ишлари ажойибдир. Замонавий техник даража, ишлаб чиқаришнинг яхши ташкил этилганлиги, ишчилар маҳорати завод меҳнаткашларига план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга имкон бермоқда.

«Серп и Молот» заводининг коллективи Биринчи Майни меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Кириб келаётган байрам москвалик металлурглар учун алоҳида тантанали ва қувончлидир: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко 29 апрель куни завод ишчилари ҳузурига келди.

Константин Устинович Черненко завод ишчилари билан сидқидилдан амалий суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих иштирок этдилар.

Ўртоқ К. У. Черненко корхонани реконструкция қилишнинг бориши, социалистик мусобақанинг ташкил этилиши, металлургларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, партия ташкилотининг иши билан қизиқди.

Учрашувни корхона партия комитетининг секретари И. В. Грибков очди.

Уч орденли «Серп и Молот» заводининг бой революцион ва меҳнат анъаналари тўғрисида корхона директори В. А. Исаев гапириб берди. Бугунги кунда корхона прокат ва калибрли металл, зангламайдиган лента пўлат ва қотишманинг юқори легирли маркалари, қуйма, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда. Завод маҳсулоти халқ хўжалигининг барча тармоқларига етказиб берилмоқда, жаҳондаги кўпгина мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда завод реконструкция қилинаётганлиги корхонани ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Ноёб автоматлашган комплекслар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Пўлат эритувчи В. М. Курбаков Константин Устинович Черненкога мурожаат қилиб, уни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланганлиги билан самимий табриклади. У ишчилар ўртоқ К. У. Черненконинг ғоят улкан сиёсий истеъдодини, бой ҳаётий тажрибасини, партиявий принципиаллиги ва инсонийлигини юксак қадрлаётганликларини айтиб, Константин Устиновичга меҳнат аҳли тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун ишчилар номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилди, унга Ватан фаровонлиги йўлида сиҳат-саломатлик ҳамда кўп қиррали партиявий ва давлат фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Бизлар ҳозир тинч осмон остида яшаётганлигимиз учун партиядан миннатдормиз, деб давом этди пўлат эритувчи. Бунинг учун қанчалик куч-ғайрат сарфлаётганлигини яхши англаймиз. Марказий Комитет Сиёсий бюроси, шахсан Сиз, Константин Устинович, партиямиз раҳбари ва давлатимиз бошлиғи сифатида совет кишиларига тинч ҳаётни таъминлаш учун қанчалик зўр ғайрат билан қизғин иш олиб бораётганлигингизни биламиз. Партия мамлакат куч-қудратини мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қиладиган ишчилар синфига таяниши мумкин. В. М. Курбаков ўзи бошлиқ бригада шу йил учун социалистик мажбурият қабул қилар экан, пландан ташқари 150 тонна пўлат эритишни белгилаганлигини маълум қилди. Металлурглар ўз сўзларига амал қилмоқдалар.

Ишлаб чиқаришнинг барча ҳал қилувчи участкаларида коммунистлар меҳнат қилмоқдалар, деди ўртоқ Курбаков, улар ўзининг авангардлик ролини шараф билан амалга оширмоқдалар. Ишчи халқ орасида энг фахрли ва эътиборли касблардан бири бўлган металлурглик касби тўғрисида фахр билан гапирди. Бугунги кунда бу касб юқори маълумот ва маданиятни талаб этади.

Азиз Константин Устинович, деб мурожаат қилди ўртоқ К. У. Черненкога Социалистик Меҳнат Қаҳрамони катта мастер Б. В. Чуканов. Қувончли воқеа — Сиз билан учрашувдан фойдаланиб баъзи фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашишни истайман. Булар биз, ишчиларни тўлқинлантирмоқда. Масалан, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини олиб кўрайлик. Металлурглар унинг барча афзилликларини чуқур англадилар. Бригадада, деди у, «меники» ва «бизники» деган тушунча яхлит бир бутун бўлиб қўшилиб кетади, гўё бир яхлит қуймага айланади.

Сўнгра ўртоқ Чуканов ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган мастерлар ҳам, шароит бўлса, бригада составига кириши зарурлиги тўғрисида фикр билдиради.

Вальцовкачи А. П. Моисеев завод ёшлари номидан қуйидагиларни айтди: ёш металлурглар Сизнинг, Константин Устинович, янги дунёни қуриш — янги дунё кишисини камол топтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш демакдир, деган сўзларингизни қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ёшлар буни ҳар бир йигит ва қиз ўзида юксак ғоявий эътиқод, коммунизм ишига садоқатни тарбиялаш тўғрисидаги партиянинг накази деб биладилар. Бизлар намуна олиб, ўргансак арзийдиган кишилар бор. Булар заводимизнинг тажрибали ишчилари — партия, меҳнат, Улуғ Ватан уруши ветеранларидир. Константин Устинович, Сизнинг ёрқин ҳаёт йўлингиз биз учун ўрнак бўлади.

Бизнинг жамиятимиз меҳнаткашлар жамияти, адолатли жамият. Агар рўй-рост гапирадиган бўлсак, шундай кишилар, жумладан ёшлар борки, улар нари-бери ишлаб, барча неъматлардан виждонан меҳнат қилувчи ходимлар сингари, ҳатто улардан кўпроқ баҳраманд бўлишни истайдилар. Меҳнат коллективи катта ҳуқуқларга эга ва ана шундай шахсларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилиш зарур. Шундай қилинганида адолатли бўлади.

Бизлар уй-жой проблемасини ҳал этиш учун мамлакатимизда қанчалик кўп иш қилинаётганлигини заводимиз мисолида кўриб турибмиз, деди ўртоқ Моисеев. Заводда ёшларнинг янги-янги оилалари вужудга келмоқда ва уларни яқин келгусида уй-жой қуриш соҳасидаги планлар қандай эканлиги қизиқтирмоқда.

У комсомоллар ва ёшлар кекса авлодларнинг революцион анъаналарини, уларнинг ғоят бой тажрибасини ўз муваффақиятлари билан муносиб даражада кўпайтиравередилар, деб ўртоқ К. У. Черненкога ваъда берди. Бизлар, деди вальцовкачи, ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимизни яхши англаймиз ва ҳамиша севикли социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёрмиз. Жонажон совет диёримизни Сиз, Константин Устинович, таҳликали 30-йилларда, чегара заставаси партия ташкилотчиси сифатида қўриқлаганингиз сингари авайлаб-асраймиз.

Юз ёшли «Серп и Молот» заводимиз қанчалик яшараётганлигини, янги-янги замонавий корпуслар қад кўтараётганлигини кўриш мен, тажрибали металлург ишчи учун ғоят ёқимлидир, деди катта вальцовкачи А. В. Малишев. Яқинда яна бир цех — тунука ва полосаларни иссиқ усулда прокатка қиладиган цехни қуришга киришдик. Ана шу цех ишга туширилиши билан заводни реконструкция қилиш асосан тугалланади. Ўн иккинчи беш йилликда цех тўла ҳажмда маҳсулот бериши учун уни қуришни жадаллаштиришни истардик.

Мен сортли прокат цехининг «450» станида ўн беш йилдан бери ишлаб келяпман. Станимиздаги механизм ва асбоб-ускуналар янги цехларда ўрнатилган замонавий машиналардан анча фарқ қилади, албатта. Лекин ишга ижодий, масъулият билан муносабатда бўлинган тақдирда эски ускуналарда ҳам кўп натижага эришиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин ўз нутқида москваликлар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини қандай бажараётганликларини, Биринчи Май байрамини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганликларини гапириб

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Сизлар билан учрашиш имкониятини юксак қадрлайман, чунки сизлар мамлакат экономикаси тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасида турган ишчилар синфининг катта отрядисизлар.

Шу кунларда халқимиз ишлаб, меҳнат қилаётган ижтимоий-сиёсий муҳит учун етилган масалаларни коллектив бўлиб ижодий излаш, ишчанлик, талабчанлик, айниқса, характерлидир. Турмушнинг ҳамма соҳаларида содир бўлаётган самарали ўзгаришларни бутун халқ қўллаб-қувватламоқда.

Марказий Комитет февраль ва апрель Пленумларининг ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясининг қарорлари шу муҳитни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу ҳужжатлар коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида зўр ғайрат билан аҳил ишлашга руҳлантиради.

Учрашувимиз Биринчи Май арафасида ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан сизларни ва барча совет кишиларини шу катта меҳнат ва тинчлик байрами билан астойдил табриклайман. **(Давомли қарсаклар).**

Дилкашлигингиз ва очиқ кўнгиллигингиз учун сизларга чуқур ташаккур айтаман. Буни Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига астойдил ишончнинг кўриниши деб биламан.

Меҳнат аҳли билан бевосита мулоқотда бўлишдан иборат ленинча анъана партиямизда ҳамиша яшаб келмоқда.

Юрий Владимирович Андропов москвалик станоксозлар билан учрашувдан кейин нақадар зўр таассурот билан тўлиб-тошганлиги эсимда. У турмушнинг ўзи ўртага қўяётган мураккаб вазифалар устида ўйлаган пайтларида ишчиларнинг мулоҳазалари ва улар заводда билдирган фикрларни қайта-қайта эсга олган эди.

Бундай учрашувлар ғоят муҳим ва жуда фойдали деб айта оламан. Мана, бугунги суҳбатимиз ҳам мамлакат меҳнат аҳлининг томир уришини тўлиқроқ сезиш имконини беради. Илгари ҳам маълум бўлган бир қанча масалалар ҳозир янада равшанроқ намоён бўлди.

Ўртоқлар! Сизларнинг уч орденли корхонангиз номида Советлар мамлакатининг тарихий тимсоллари — Ўроқ билан Болға бирлашган. Завод ишчилари революцион курашчиларнинг ва меҳнаткашлар давлати қурувчиларининг олдинги сафларида бўлдилар. «Серп и Молот» заводи социалистик индустриялаш солномасига сифатли металлургиянинг тўнғич корхоналаридан бири бўлиб кирди.

Завод коллективи, унинг партия ташкилоти экономикамиз олдида турган вазифаларни ҳал этишга юксак масъулият билан ёндашаётганликлари Марказий Комитетга яхши маълум.

«Серп и Молот» металлурглари 1983 йилги топшириқларни ва юксак мажбуриятларни муваффақиятли уддаладилар. Шу йилнинг биринчи кварталида ҳам завод яхши даражада ишлади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 4 процентдан зиёд ошириб бажарилди. Ишнинг бошланиши чакки эмас. Халқ иборасида айтилганидек, буни ишнинг ярми деса бўлади.

Тармоқларни техника билан қайта қуроллантириш, фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқларини жорий этиш ҳозирги босқичда алоҳида аҳамият касб этади. Бу — даврнинг зарур талабидир, таъбир жоиз бўлса, замонанинг амридир. Вужудга келган демографик вазият шароитида биз шу пайтгача бўлганидек, меҳнат ресурсларининг оқиб келишига умид боғлай олмаслигимиз учун ҳам бу масала актуалдир.

Металлни «индустриянинг нони» дейишлари бежиз эмас. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қора металлургияни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилинганлиги сизларга маълум бўлса керак. Бу соҳада биз юқори сифатли, тежамли металл маҳсулот ишлаб чиқаришни изчиллик билан кўпайтиришни асосий вазифа деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда машинасозликда, қурилишда ва бошқа тармоқларда кўнгилдагидек бурилишга эришиб бўлмайди.

Асосий фондларни реконструкция қилиш, янгилаш — бу энг зарур вазифани ҳал этишнинг жуда муҳим йўлларидан биридир. Сизларнинг коллективингиз айни шу йўлдан маҳорат ва зўр ғайрат билан бормоқда.

Очиғини айтганда, бу — осон ишлардан эмас, — Москванинг қарийб марказида жойлашган металлургия корхонасига янги ҳаёт бахш этиш керак. Уни кенгайтиришнинг иложи йўқ, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида ошиб бораётган талабларга оғишмай риоя этиш зарур. Заводнинг мутахассислари ва ишчиларига, лойиҳачилар ва қурувчиларга офарин айтмоқ керак. Менга маълум қилишларича, улар ишлаб турган цехларни реконструкция қилиш билан бирга янги қувватларни ишга туширишнинг техникавий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган яхши вариантларини топишган. Кўп режалар ҳозирнинг ўзидаёқ юксак сифатли, ҳатто яқин вақтларгача чет элдан харид қилишга тўғри келган маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий комплексларда мужассамлаштириб қўйилди. Меҳнат шароитлари анча яхшиланди.

40 тадан кўпроқ поток линия ишга туширилди. 1200 ишчи оғир ишлардан холи қилинди. Энди улар комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган участкаларда ишлаб турибдилар. Заводда меҳнат унумдорлиги 22 процент ошди.

Хуллас, самарали ва ишонарли якунларга эришилди. Бу якунлар «Серп и Молот» заводининг коллективи партия ва ҳукуматнинг қарорларини масъулият ва интизом билан қандай бажариш кераклигининг яхши намунасини кўрсатмоқда. **(Қарсаклар).**

Сизларга кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди, албатта. Модомики ишга чинакамига киришиб, уни Ленин айтганидек, «нуқул ғайрат билан» олиб борилганида бундан бошқача ҳам бўлмайди. Белгиланган ҳамма режаларни рўёбга чиқариш учун ҳали бирталай иш қилиниши керак. «Серп и Молот» коллективи эса ишлашни билади ва бу вазифани уддалай олади, деб ўйлайман.

Москва шаҳар партия комитети, Қора металлургия министрлиги доимо эътибор билан қараб, катта амалий ёрдам бермаганида, завод партия ташкилоти кун сайин актив ишламаганида, бугун биз тилга олаётган натижаларга эришиб бўлмас эди.

Шуни айтишим керакки, умуман металлургия соҳасида ҳам муайян юксалиш сезилиб турибди, бу эса бутун экономика учун қувончли фактдир. Корхоналар коллективларининг мусобақаси амалий равишда авж олдирилди. Шу йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мажбуриятлар бажарилди. Вазифа бошланган суръатларни албатта мустаҳкамлай олишдан ва янада жадаллаштиришдан иборат.

Бугун, ўртоқлар сизларни металлург касбининг шуҳрати қизиқтираётганини айтишди. Сизларнинг ишингиз зўр тиғизлиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Шу сабабли унинг шуҳратини ҳам ошириш керак.

Министрликлар ва идоралар, совет органлари ва касаба союзлари, оммавий ахборот воситалари ҳам қайноқ цехларда вахтада турган кишиларнинг меҳнати кишига мамнуният бахш этиши, муносиб равишда баҳоланиши ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Реконструкция давомида заводингизда янги маиший бинолар, ошхоналар, профилакторий, таълим устахоналари, пионерлар лагери ишга туширилганлиги жуда тўғри иш бўлибди. Ясли ва болалар боғчалари талаб қилинган миқдорда қурилганлигини билиш қувончли бўлди. «Серп и Молот» металлургларининг юзлаб оилалари ҳар йили янги уйларга кўчиб чиқмоқдалар. Хуллас, юксак унум билан меҳнат қилиш ва мириқиб ҳордиқ чиқариш учун, меҳнаткаш ўринбосарларга таълим ва тарбия бериш учун ҳам имкониятлар амалда кенгайиб бормоқда.

Коллективнинг ютуқлари шак-шубҳасиз ва мақтовга лойиқ эканини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Бироқ камчиликлар тўғрисидаги гапларга ҳам сизлар тўғри, ишчиларга хос тарзда қарашларингизга аминман. Бундай камчиликлар борлигини ўзингиз ҳам биласизлар.

Завод афсуски, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномага мувофиқ олган мажбуриятларини тўла-тўкис бажараётгани йўқ. Бу эса бошқа коллективларнинг ишида узилиш бўлишига олиб келмоқда. Касбдош ўртоқларга панд бериш ярамайди. Бу аҳволни қатъият билан тузатиб олиш керак.

Реконструкцияга қилинган чиқимларнинг ўрнини тезроқ қоплаш, янги қувватларни барпо этиш — принципиал аҳамиятга эга бўлган бошқа бир вазифадир. Яхши ишлаб чиқариш хўжайини қўлидаги ҳар сўм тез айланиб, кўпайиб боради. Хуллас пул тинимсиз ишлайди. Сизларнинг корхонангизда эса сарфланган маблағнинг самарадорлиги суръатлари ҳозирча ҳамиша ҳам ҳисоб-китоблардаги мўлжалга тўғри келаётгани йўқ. Ғайрат камарини маҳкамроқ боғлаб, лойиҳадаги кўрсаткичларга тезроқ етиб олиш, маблағни давлат бюджетига ўз вақтида бекамикўст қайтариш зарур.

Моддий ресурслардан ҳам самаралироқ фойдаланиш лозим. Бу гап халқ хўжалигининг барча тармоқларига тааллуқлидир, албатта. Кўпинча шундай бўлади, айтайлик, металл етмай қолса, дарҳол уни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш масаласи қўйилади. Ҳолбуки, бизда бошқа ҳар қандай мамлакатга нисбатан кўп металл эритилмоқда. Пўлат маркаларининг миқдори, прокатнинг профиллари жиҳатидан ҳам ҳеч кимдан қолишмаймиз.

Проблема, бир томондан, сифатни янада оширишдан, ҳозирча етарли ишлаб чиқарилмаётган металл маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат. Иккинчи томондан эса, металл сарфини камайтиришдан, металлургиянинг ўзида ҳам, истеъмолчиларда ҳам исрофгарчиликни тугатишдан иборат. Айниқса гап «Серп и Молот» заводи ишлаб чиқараётган қимматбаҳо маҳсулотга тааллуқлидир.

Айтилган гап ёқилғини тежашга, энергияни иқтисод қилишга ҳам тўла-тўкис тегишлидир. Мамлакатимиз кўмир, руда, нефть, газга ҳаддан ташқари бой, деган ибора, афсуски, тилимизга, ҳатто пропагандамизга ҳам кириб қолибди.

Ҳақиқатда эса, ҳамма иш шунчалик жўн эмас. Ҳақиқатан ҳам бизнинг запасларимиз жуда катта. Аммо табиат уларни қайтадан тиклаб бермаслиги маълум. Дарвоқе, уларни қазиб чиқариш ҳам тобора қимматга тушмоқда. Бунинг устига ресурсларни келгуси авлодлар учун ҳам тежаш, шу сабабли уларни ақл-идрок билан олиш, улардан оқилона фойдаланиш керак.

Аввало энергияни тежайдиган техника ва технологияни ишлаб чиқиб жорий этишни имкони борича жадаллаштириш лозим. Кўпгина серияли двигателлар, электр станциялардаги қозонлар совет олимлари ва конструкторлари яратган энг яхши намуналарга нисбатан 15—20 процент кўп ёнилғи сарфлаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Қора металлургияда эса металлни қиздиришда ёқилғидан фойдаланиш коэффициенти илғор корхоналардагига нисбатан ўрта ҳисобда бир ярим баравар паст.

Металл, ёқилғи, энергияни, бошқа ҳамма ресурсларни тежаш зарурлиги ҳақидаги тўғри сўзлар етарли даражада айтилган. Аммо бу сўзлар ҳамиша ҳам конкрет ишлар билан мустаҳкамланаётгани йўқ. Ишчидан тортиб директоргача ҳар бир кишининг ҳамиша ва ҳар ишда иқтисодий тежашни кучайтириш йўлини ўтказишдаги ташаббуси, шахсий ҳиссасигина сезиларли натижалар бериши мумкин.

Ўртоқлар! Сизлар меҳнатни бригада усулида ташкил этиш соҳасида яхши тажриба тўплаганингиз менга маълум.

Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бу формаси илғор коллективларнинг ташаббуси билан турмушга татбиқ этилди. Бу форма омма орасида юзага келди ва халқ социал ижодкорлигининг натижасидир.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг тузумимизга хос бўлган самарали йўли ишлаб чиқилди. Меҳнатчининг шахсий манфаатлари билан коллектив ва жамиятнинг манфаатларини бирга қўшишнинг тўғри усули топилди. Бу — ҳам иқтисодий, ҳам социал-сиёсий, ҳам тарбиявий жиҳатдан социалистик қурилишнинг туб масалаларидан биридир.

Ишчи ва колхозчиларнинг юксак сиёсий онглилиги, меҳнат маданияти шу тариқа ривожланган социализмнинг ижтимоий муносабатлари муҳим элементларини шакллантиришга ёрдам бермоқда.

Бу ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Васильевич Чуканов, бригадаларда «меники» ва «бизники», шахсий ва ижтимоий деган тушунчалар синфий онг, ватанпарварлик бурчи ва коллектив маҳорати қуймасига айланмоқда, деб яхши гап айтди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО НУТҚИ

(Боши биринчи бетда).

Менга айтишларича, қора металлургияда ишчиларнинг тўртдан уч қисми бригадаларга бирлашган. Бу — чакки эмас. Аммо хўжалик ҳисобини жорий этиш, ишга пировард натижаларга қараб, ҳар бир кишининг шахсий меҳнат ҳиссасини эътиборга олиб баҳо беришга ўтиш соҳасида эса металлурглар бирмунча орқада қолишди.

Министрликлар, идоралар, тармоқ касаба союзлари даражасида ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар ҳам бор, албатта. Масалан, бу ерда ўртага қўйилган: «Комплекс бригаданинг ишини ташкил этувчи смена мастери нега унинг составига қўшилмайди? Нега унга иш ҳақи бригада аъзосига ёзилгани сингари ёзилмайди?» деб қўйилган саволнинг тагида жон бор, деб ўйлайман.

Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети ҳозир шу масала юзасидан эксперимент ўтказмоқда. Шароит бор жойларда эксперимент натижаларини кутиб турмай, турмушнинг ўзи кўрсатиб берган зарур тадбирларни дадиллик билан қўраверишкерак, деб ўйлайман. Шу билан бирга ҳатто мастер бригада составига кирган тақдирда ҳам меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши учун унинг зиммасидаги масъулиятни ҳеч ким соқит қилмаслигини унутмаслик керак, албатта.

Заводда кадр ишчи деган ёрқин ва аниқ тушунчани эслатмай ўтиб бўлмайди. Виждонан айтганда, баъзи жойларда бу тушунча унутиб қўйилмоқда. Ҳолбуки, кадр ишчи деганда кўз ўнгимизда ҳақиқий меҳнаткаш сиймоси намоён бўлади. Ҳаёт тажрибасини орттирган оқил мастер, корхонанинг ватанпарвари, ёш ўринбосарларнинг мураббийси, тўғри сўзли, принципиал инсон кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кадр ишчилар, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзагигина эмас, ишчилар синфимизнинг ифтихори ҳамдир. Уларни эъзозлаш, уларга таяниш керак. Моҳирона меҳнатнинг обрўсини умрбод яшайдиган заргарлик иши деб аталадиган сифатли ишнинг обрўсини кўтариш лозим.

1919 йилда Москвада — Москва-Сортировочная депосининг большевик ишчилари умумхалқ саодати йўлида зарбдор, беғараз меҳнат қилиш намунасини кўрсатдилар. Олтмиш беш йил ўтгач, бу галги Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида 157 миллиондан ортиқ совет кишиси қатнашди. Турмушимиздаги коллективчилик принципларини қарор топтиришнинг миқёси ва кўлами ҳозир мана шундай.

Москваликлар бу галги шанбаликда алоҳида баланд кайфият билан, стахановчасига ишлаганликларини Виктор Васильевич Гришин менга айтиб берди. Ҳамма жойда ҳам шундай бўлди. Совет кишилари партиянинг ҳар ким ўз ишини ватанпарварлик бурчини бажариш деб билсин, деган даъватини жон-дилдан қабул этдилар.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва ҳукумат номидан чин кўнгилдан қисқа қилиб: — Раҳмат, ўртоқлар! Сизларнинг коллективингизга ҳам, барча меҳнаткашларга ҳам раҳмат деб айтмоқчиман. **(Давомли қарсаклар).**

Шу залда ветеранларнинг ёнида кўпгина ёшларни кўриб турибман. Улар бу ерга яқиндагина ўзининг бир асрлик юбилейини нишонлаган «Серп и Молот» заводининг сўнмас пролетар навқиронлиги нафасини олиб келдилар. Завод раҳбарлари менга сизларда ишловчиларнинг қарийб учдан бир қисми ёшлар эканини айтишди. Кейинги йилларда заводда ишчи ёшларнинг кўпайганлиги шонли фактдир.

Бу нимадан дарак беради? Реконструкциялаш ва модернизациялаш натижасида корхонангиздаги меҳнат ёшлар учун анча жозибадор бўлиб қолди, бир қарашда фақат техникавий иш бўлиб кўринган реконструкциялаш шу тариқа муҳим социал аҳамият касб этмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман: ҳозир биз мактаб ислоҳотини амалга оширишга киришяпмиз. Бу ишнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши ишлаб чиқариш коллективларининг манфаатдорлик билан қатнашишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. «Мактаб—корхона» ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга боғлиқ бўлади. Ўспиринларнинг яхши ташкил этилган меҳнати, ишлаб чиқаришдаги аниқ маром ва тартиб, ишчиларнинг аҳиллиги, коллективизми руҳи ёшларга ҳаёт фанини амалда ўргатиши керак. Касб танлашда ва уни ўзлаштиришда, юксак гражданлик фазилатларини шакллантиришда уларга ёрдам бериши лозим.

Меҳнат тўғрисидаги гап-сўзлар эмас, балки айни меҳнатнинг ўзи, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат инсон сиёсий онглилигининг энг синалган мезонидир.

Ёшлар улар билан фақат панд-насиҳат тилида гаплашишларини ёқтирмаслигини биз ҳаммамиз биламиз. Биз ҳам ёшлигимизда ўгит ва насиҳатларни унча хуш кўрмасдик. Ишонч ва топширилган иш учун юксак масъулият инсонни ҳаммадан кўра яхшироқ тарбиялайди.

Саноатнинг кўпгина тажрибали раҳбарлари билан танишганингда улар даҳшатли уруш даврида ёш болалигидан станок ёнида туриб ишлаганлигини, ўн олти ёшида бригадир бўлганлигини, йигирма беш ёшга тўлар-тўлмас эса цех учун жавобгар бўлганлигини билиб оласан, киши. Бундай мактабнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Меҳнат мактаби, ҳаёт мактаби, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш мактаби — энг ишончли мактабдир. **(Қарсаклар).**

Ленин большевиклар партиясини келажак партияси деб атаганида буни партия сафларига ёш, серғайрат кучларнинг доимо келиб қўшилиши билан ҳам боғлаган эди. Бугунги кунда партияга қабул қилинаётган кишилар умумий сонининг қарийб тўртдан уч қисми комсомолдан ўтмоқда.

Булар — муносиб кишилардир. Комсомол партиянинг ишончли резерви ва унинг жанговар ёрдамчиси. Партия ёш ленинчилар союзига масъулиятли ишларни доимо ишониб топширди ва топширмоқда. У комсомолга умид боғлаш мумкинлигини ҳам билади.

Ўртоқлар! Биз 70-йиллар охири ва 80-йилларнинг бошларида экономикани ривожлантиришда дуч келган мураккабликлар тўғрисида илгари гапириб ўтган эдим. Марказий Комитет, партиямиз, бутун халқ ана шу мураккабликларни батамом бартараф этиш ва янги марраларга чиқиб олиш устида ишламоқдалар. Бунинг учун юқори унумли меҳнат, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан ҳар бир кишининг хўжайинларга хос манфаатдор бўлиши керак. Фақат шу асосдагина халқ фаровонлигини юксалтириш мумкин.

Меҳнаткашлар кенг оммасининг турмушини изчиллик билан яхшилаш — Коммунистик партиянинг бош йўли бўлиб, буни ҳеч нарса бўшаштира олмайди. **(Қарсаклар).**

70-йилларнинг бошларидан буёнгина аҳоли жон бошига реал даромадлар бир ярим баравардан зиёд ошди. 1983 йилда халқ хўжалигидаги ўртача ойлик иш ҳақи 182 сўмни ташкил этди. Юқори малакали ишчиларнинг иш ҳақи бундан анча кўпроқдир. Улар ойига ўрта ҳисобда 250-300 сўмдан ва бундан ҳам кўпроқ маош олмоқдалар.

Эндиликда мамлакатимизда ҳар тўрт йилда бутун урушдан олдинги даврда қурилганига қараганда кўпроқ уй-жой қурилмоқда. Ҳар беш йилликда 50 миллиондан кўпроқ кишининг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда.

Аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда, хизмат соҳалари кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг даромадлари ошмоқда. Қишлоқда қулай ва кўркам уйлар, мактаблар, медицина муассасалари, клублар кўпроқ барпо этилмоқда, замонавий йўллар қурилмоқда.

Совет кишилари Озиқ-овқат программаси ўз самараларини бера бошлаганлигини мамнуният билан қайд этмоқдалар. Уни бажариш учун ҳали асло ҳамма ишлар қилинди, деб бўлмайди.

Очиғини айтганда, бир қанча районларда чорвачилик маҳсулотлари савдо-сотиғида ҳам узилишлар мавжуд. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, халқ истеъмол моллари сифатини ошириш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Социал масалаларни ҳал этиш учун давлат ажратаётган катта маблағлардан ташқари кўпгина корхоналар ва бирлашмалар ҳозирнинг ўзидаёқ талайгина иқтисодий рағбатлантириш фондларига эга эканликларини биласизлар. Ана шу фондлар 50 миллиард сўмликдан ошиб кетган. Халқнинг бу маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат коллективларининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини устун қўйиш керак.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бошқача ҳам иш тутишадику, ахир. Баъзида иккинчи даражали ишларга кўп пул сарфланмоқда ёки шошмаса ҳам бўладиган ишларга ажратиб берилмоқда.

Жойлардаги баъзи раҳбарлар гигантчилик кайфиятларига берилиб кетишган деса бўлади. Маданият саройи барпо этишса, албатта, мармар, биллур билан, ўймакорлик нақшлари билан безатилади. Бадиий панно ўрнатиладиган бўлса шундай каттасини ўрнатишадики, ҳатто осмон ҳам кўринмай қолади, деса бўлади. Менимча, бу — бизни кўриб қўй, қабилида гўзалликни савдогарларча тасаввур этишдан бўлса керак. **(Залда ҳаяжонланиш).**

Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, болалар боғчаси, келин-куёвлар учун уй-жой, цехдаги яхши ошхона, қишлоқдаги клуб — турмуш тарзимизнинг фойдасига қилинадиган энг яхши кўргазмали агитациядир.

Ўртоқлар! Мамлакатнинг ҳамма жойида бўлгани каби сизларнинг заводингизда ҳам энг мураккаб, масъулиятли ишга коммунистлар биринчи бўлиб киришадилар. Айни шу нарса уларнинг кенг омма ўртасидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлайди.

Коммунистик партия бутун халқнинг авангардидир. Аммо у ўзининг синфий моҳиятига, программавий мақсадларига, идеологияси ва сиёсатига кўра, КПССда ишчилар ўйнаётган ролга кўра большевизмнинг шонли анъаналарига содиқ ишчилар синфи партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Бу ҳол партия фаолиятининг революцион давомийлигини, ички ва ташқи сиёсатининг қатъий қарор топган синфий характерини таъминламоқда. Бу ҳол биз ривожланган социализмни такомиллаштириш деб атаётган ғоят катта иш муваффақиятининг гарантиясидир.

Партия социалистик қурилиш йиллари мобайнида ажойиб раҳбар кадрларни, омманинг чинакам йўлбошчиларини тарбиялади. Уларнинг иши мураккаб, ғоят масъулиятлидир. Кишилар ҳам бундай ўртоқлар тўғрисида зўр ҳурмат билан гапирмоқдалар.

Лекин баъзида айрим ходимлар ишлаб чиқаришда ва турмушда нотўғри хатти-ҳаракат қилган ҳоллар тўғрисида гап борганда ҳаққоний ғазабланишни ҳам эшитиш мумкин. Бундай фактларга тоқат қилиб бўлмайди. Марказий Комитет қўл учида ишлаётганларга, қонунни, КПСС Уставини бузаётганларга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилиб келди ва бундан буён шундай талабчанлик қилаверади. Биз КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида бу ҳақда қатъий қилиб айтган эдик. Яна бир марта шуни такрорлаб ўтмоқчиманки, бизнинг талабчанлигимиз ва принципиаллигимиз ҳеч қачон — бугун ҳам, эртага ҳам, келгусида ҳам сусайтирилмайди. **(Қарсаклар).**

Вальцовкачи Александр Павлович Моисеевнинг фикрига қўшиламан. У ўз нутқида социал адолатнинг ҳар бир граждан жамиятга нисбатан ўз бурчларини қатъиян бажариши каби муҳим қиррасини жуда рўй-рост айтиб ўтди. Сиз ҳақсиз, Александр Павлович. Шундай кишилар борки, улар ҳамма нарсани — тегишлисини ҳам, тегишли бўлмаганини ҳам олишни истайдилар. Кўпгина оладилар ҳам. Жамият олдидаги ўз бурчларини эса унутиб қўядилар. Шу боисдан мен Москва партия ташкилоти «Иззат-ҳурмат ва шон-шуҳрат — меҳнатга яраша!» деган яхши шиор остида олиб бораётган кўп томонлама ишни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, сизлар кўпгина ҳаётий проблемаларни тилга олиб ўтдингиз. Жумладан, уй-жой программасини амалга ошириш истиқболлари билан қизиқдингиз.

Сизларга маълум қиламанки, Марказий Комитет Сиёсий бюроси шу беш йилликда уй-жой қурилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Госпланга, министрликлар ва идораларга уй-жойларни фойдаланишга топшириш беш йиллик топшириғи (топшириқ эса жуда юқоридир) сўзсиз тўла ва ошириб бажарилиши учун барча зарур маблағ ва ресурсларни ажратиб бериш топширилди.

Тўғри, квартира олган кишилардан ҳам хатлар келиб туради, аммо бундай квартиралар ўлда-жўлда, чала қурилган квартиралардир. Афсуски, бундай ҳоллар учраб туради, шундай квартираларга кўчиб кирган кишиларнинг хуноби ошганлигини тушуниш мумкин.

Уй-жойлар, моллар, хизматларнинг сифати масалалари — иқтисодий, хўжалик масалаларигина бўлиб қолмай, шу билан бирга социал масалалар ҳамдир. Бу масалалар миллионлаб кишиларнинг манфаатларига бевосита дахлдор. Юксак сифат кўпгина омилларга боғлиқ, албатта. Шундай бўлса ҳам ходимнинг ишга муносабати, айтишим мумкинки, ишчи виждони олдинги ўринларнинг бирида туради.

Ишчилар, ўқитувчилар, врачлар учун, ўзинг учун, ниҳоят ўз фарзандларинг учун квартираларни ёмон қуриш мумкинми, ахир?

Биз меҳнат қаҳрамонларини ҳақли равишда шарафлаймиз, уларни бутун мамлакат билади. Лекин хўжасизликнинг ҳам ўз айбдорлари бор-ку, ахир. Бракчининг ҳам ким эканлигини кўрсатиб қўядиган пайт келди. Ким ёмон маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги маълум бўлиши керак. Масъулиятсизлик учун эса қаттиқ жазолаш зарур. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Тузумимизнинг қудрати омманинг онглилиги билан кўп карра кучаяди. Партия КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида узоқ муддатли аҳамиятга эга бўлган идеология фаолиятининг кенг концепциясини олға сурди. Пленум қарорлари ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни барча йўналишларда такомиллаштиришга қудратли омил бахш этди.

Идеология соҳасидаги куч-ғайратлар марказини меҳнат коллективига, бошланғич партия ташкилотига кўчириш асосий вазифадир. Бутун фаолият баъзида идеология идоралари ўзининг доирасида чекланиб қолаётган қоғозбозлик ва кўп соатлар давом этадиган мажлисбозликлар қилишдан иборат ҳали ҳам мавжуд инерция кучидан батамом воз кечиш керак.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби идеология соҳасида ҳам ишчанлик, уюшқоқлик, ижрони аниқ контрол қилиш ва текшириш, амалий натижаларга эриша билиш маҳорати зарур.

Ўртоқлар, бугун сўзланган нутқларнинг ҳаммаси бунёдкорлик тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилганлиги қонуниятли бир ҳолдир. Ишчилар синфи ўзининг табиатига кўра бунёдкор синфдир. Сизларнинг сўзларингиз совет халқининг мустаҳкам тинчликка бўлган иродасини ифода этади.

Сизлар халқаро вазиятга бераётган баҳога қўшилмасдан бўлмайди. Дарҳақиқат, СССРга ва бошқа социализм мамлакатларига қарши «салб юриши» деб аталмиш юриш ташкилотчилари бизни тиз чўктиришни истардилар. Ҳеч қачон бундай бўлмайди! **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз не-не машаққатлар билан революциямизни амалга оширдик, уни ҳимоя қилдик, социализм барпо этдик — ҳозир эса мамлакатни ривожлантириш, халқ турмушини яхшилашдан иборат улуғвор планларни турмушга татбиқ этмоқдамиз. Биз ўзимизнинг дунёқарашимизни, ижтимоий тузумимизни ҳеч кимга тиқиштираётганимиз йўқ. Бизга ўзгаларнинг ерлари ҳам керак эмас. Совет Иттифоқи фақат бир йўлни—тинч-тотув яшаш йўлини, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик йўлини чин қалбдан таклиф этмоқда.

Айни вақтда ҳамма нарса ҳам бизнинг эзгу ниятимизга боғлиқ эмаслиги тушунарлидир. Сиёсатда эса биз сўзларга эмас, балки фақат амалий ишларгагина ишонамиз. Қурол-яроғларни қисқартиришми — демак ҳақиқатан ҳам ўзаро қисқартириш керак. Ядро қуролини йўқотиш керакми— демак ҳақиқатан ҳам ҳар иккала томоннинг шундай қуролини йўқотиш керак. АҚШ, НАТО шундай қилган тақдирда биз ҳам шунга яраша иш тутган бўлур эдик.

Тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига совет кишиларининг ишончлари комил. Воқеаларнинг ривожини мухолифликдан кескинликни юмшатиш сари буриб юбориш мумкин. Тинчлик манфаатлари йўлида ҳалол ва конструктив ишлашни истаётган ҳукуматлар ҳамда ташкилотлар билан мулоқотга тайёрмиз, улар билан актив ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Ҳозирча ҳарбий ва сиёсий кескинлик мавжуд экан, АҚШ ва НАТО давлатлари мамлакатимизга ракета-ядровий хавф солаётган экан кучлар нисбати империализм фойдасига ўзгармаслиги ва биз заифроқ бўлиб қолмаслигимиз учун ҳушёр бўлиб, ҳамиша сергак туриш керак.

Социалистик Ватан хавфсизлиги тўғрисидаги ғамхўрлигимиз соғлом фикрловчи ҳар бир кишига тушунарлидир. Ўтган уруш ҳар бир совет оиласига келтирган жудолик алами ҳеч қачон босилмайди. Мамлакатимиз ўз мустақиллиги учун, жаҳон цивилизациясини фашист ваҳшийлари асоратга солиши хавфидан қутқариб қолиш учун 20 миллион кишини қурбон берди.

Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ўзларининг халқ олдидаги ғоят буюк масъулиятини тушунадилар. 1941 йилнинг июни такрорланмайди. Ҳар қандай агрессор дарҳол интиқомга йўлиқади
ҳамма — дўстларими
ғанимларимиз ҳам бил
йишсин. (Гулдурос
лар).

Халқаро вазият
лашганлиги муносабат
лан КПСС Марказий
тетига кўплаб хатлар
турибди, уларнинг
ри меҳнат ҳафтасин
тиришни, мамлакат
фаа фондини тузиш
лиф этмоқдалар.

Аввало, шундай
лар билан мурожаат
минглаб совет ватан
ларига — уруш ва
ветеранларига, ёш
колхозчиларга,
ларга, партиясизлар
қидилдан миннатдор
билдирмоқчиман.

Шуни айтиш
бизнинг иқтисодий
алимиз, мудофаа сам
лигини ошираётган
техника воситалари
давлати билан унинг
фоқчилари хавфсиз
ана шу таклиф этил
тадбирларсиз ҳам пухта
минлаш имконини бер

Мамлакатни ривож
риш ҳамда совет
рининг турмуш дараж
ошириш соҳасида бе
ган социал-иқтисодий
раммалар ҳам изчил
лан рўёбга чиқарила

Ўртоқлар! Тез орад
нинчи партиямиз
XXVII съездига
тайёргарлик кўриш
қадам қўяди. Ўзла
тушунасизки, олдинд
кўламли, ғоят
ишлар турибди.

Биз сиёсий ва таш
чилик ишининг, хўжа
рилишининг ишонч
рибаси билан бойи
партия билан халқнинг
тиндек бирлигига
дамиз. КПСС Марказий
митети ўтказиб
йўл ҳар бир коммунист
тирокида ҳар жиҳатдан
та ўйланган тўғри й
дейиш мумкин. Бар
вет кишилари партия
тини амалий ишлари
актив қўллаб-қувват
далар. Белгиланган
ларни ҳал этишим
ўртага қўйган мақсад
мизга эришишимиз
рови ҳам мана шу
(Давомли қарсаклар).

Пировардида ўзинг
бир неча сўз айтиб
чиман.

Шодиёна кутиб ол
гингиз ва ошкора суҳб
ганлигингиз учун си
ташаккур билдирама
ларнинг самимий таб
рингиз ва эзгу истак
гиз бардамлик, куч
бағишлайди, муштара
мизнинг муваффақ
бўлган ишончни муст
лайди.

Яна бир бор сидқидил
раҳмат, азиз металлург
тоқлар! Оғир меҳнат
да сизларга янгидан
ютуқлар, ҳаётда жами
ликларни тилайман.
рингиз учун, сизла
яқин кишиларингиз
Биринчи Май порлоқ
вончли бўлсин! (Гул
давомли қарсаклар.
Ўрнидан туради).

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

МОСКВАДАГИ «СЕРП И МОЛОТ» МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ИШЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

(Боши биринчи бетда).

берди. Пойтахт меҳнаткашлари шу йил биринчи квартал планини ва социалистик мажбуриятларини бажардилар. В. В. Гришин меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда камайтириш тўғрисидаги партиянинг топшириғи муваффақиятли бажарилаётганлигини Константин Устинович Черненкога маълум қилди.

Ўртоқ В. В. Гришин «Серп и Молот» заводи металлурглари олдида турган бир қанча вазифаларга тўхталиб ўтди. Заводни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришни туғаллашга оид ишларни жадаллаштириш мамлакат халқ хўжалиги учун зарур бўлган сифатли металл маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш муҳимдир, деди у. Завод партия ташкилоти мана шу вазифаларни амалга ошириш соҳасида коллективнинг ишларига бошчилик қилиши керак. У «Серп и Молот» заводининг коммунистлари, меҳнаткашлари Москванинг барча меҳнат аҳли сингари шу йил ва умуман беш йиллик планини тўла ва ошириб бажариш учун барча ишларни қиладилар, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ В. В. Гришин Константин Устинович Черненкони, бу ерда ҳозир бўлган барча кишиларни меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик байрами — 1 Май куни билан самимий табриклади ва ҳаммага ишда янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Суратда: завод ишчилари билан учрашув пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС

Шундан кейин узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинган Константин Устинович Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи зўр эътибор билан тингланди, бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Металлурглар учрашувдан эсдалик сифатида ўртоқ К. У. Черненкога завод ёдгорлиги — корхонанинг 100 йиллиги шарафига чиқарилган юбилей медали ва нишонини топширдилар.

Ўртоқ К. У. Черненко цехларни бориб кўрди. Ишчилар Константин Устиновични қизғин қутладилар.

Янги сортли прокат цехи металлургия ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражаси тўғрисида яққол тасаввур беради. Ярим километрдан олисга чўзилган цех ёп-ёруғ, кучли вентиляция установкалари ҳавони бир неча бор алмаштириб туради. Электрон ёрдамида бошқариладиган мукаммал автоматлар металлургларнинг оғир қўл меҳнатини ўз зиммасига олади.

Ишчилар ўртоқ К. У. Черненко билан суҳбатлашар эканлар, партия билан давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик, интизомни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар. Улар ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда москвалик металлурглар мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни ўзларининг бурчи, деб билаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Шу корхонада чорак аср ишлаган катта оператор Г. Г. Вовк коллектив ҳузурига келганлиги учун Константин Устиновичга самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Суҳбатга қўшилган катта оператор Ю. Е. Фроленко касбдош ўртоқлари номидан гапириб, заводни реконструкциялаш топшириқлари муваффақиятли бажарилади, деб ваъда берди.

Ишчилар корхонани янгилаш билан бир вақтда кенг кўламдаги социал программа ҳам амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Масалан, оператор В. Д. Тришкина шундай деди: бизлар тўғримизда ғамхўрлик қилинаётганлигини доимо ҳис этиб турибмиз. Мен буни ишчи аёл ва она сифатида тасдиқлашим мумкин. Бизда ҳамма нарса: севимли иш ҳам, дам олиш учун имкониятлар ҳам муҳайё. Яқинда завод бизларга янги квартира берди. Турмуш ўртоғим ҳам айни шу цехда ишлайди.

Металлурглар ўртоқ К. У. Черненкони Биринчи Май байрами билан самимий табрикладилар.

Константин Устинович ўз атрофидаги ишчиларга мурожаат қилиб шундай деди:

— Ўйлаб кўринг-а, ўртоқлар, — биз эга бўлган ҳамма нарсалар, мамлакатимизнинг барча бойликлари, — буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш, моҳир қўллар билан, ишчилар синфи қўли билан, меҳнаткаш инсон қўли билан яратилгандир.

Сизларга, сизларнинг цехингизга қараб туриб, фидокорона меҳнати, истеъдоди заминимизга хос бўлган ҳамма нарса мужассам этаётган: уйлар бунёд қилиб, ғалла етиштираётган, пўлат эритиб, кўприклар ва гидростанциялар қураётган совет кишиларимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошасан, киши. Бугун сизлар билан ўтган учрашувлар ва суҳбатлар чоғида мен жаҳонда тенги йўқ ажойиб ишчилар синфимиз борлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Сизларга раҳмат! Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда ижодий ва мамлакат учун ғоят зарур меҳнатингизда муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқ К. У. Черненко сортли прокат цехида виставкани кўздан кечирди. Виставкага «Серп и Молот» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулот намуналари қўйилган. Завод маркаси истеъмолчиларга ғоят манзур бўлмоқда. Экспозицияга корхонада қурилаётган махсус цех ишлаб чиқар
халқ истеъмол моллар
киритилган.

Ўртоқ К. У. Чер
нинг Москвадаги «Се
Молот» металлургия за
коллективи билан уч
ви партия ва халқнинг
зилмас бирлиги —
кишиларининг КПСС
чи Марказий Комите
варагида мустаҳкам
лашганлигининг ёрқин
даси бўлди, Советлар
лакати меҳнаткашлар
ривожланган социализ
миятини такомиллаш
соҳасида партия ра
ни амалга оширишга
азму қарорини ва
сини намойиш қилди

(ТАСС

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари зиммасига партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг, халқ маорифи органларининг, мактаблар ва бошқа таълим-тарбия муассасаларининг педагогик коллективлари зиммасига КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг ривожланган социалистик жамият босқичида мамлакат халқ маорифини такомиллаштиришнинг илмий асосланган узоқ муддатли программасини белгилаб берган Асосий йўналишларида қўйилган вазифаларни бажариш мажбуриятини юклади. Ленининг ягона, меҳнат, политехника мактаби принципларини изчиллик билан амалга ошириш, бу мактабнинг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, юксак ғоявий ва маънавий-сиёсий фазилатларга, меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив бунёдкорларини тарбиялашни таъминлаш топширилди.

Ўрта умумий таълим мактабида таълим беришнинг ўн бир йиллик (иттифоқдош республикаларда ҳозир мавжуд бўлган ўн бир йиллик таълим мактабларида ўн икки йиллик) таълимга аста-секин ўтиш амалга оширилсин, болалар 6 ёшидан ўқишга бошлансин. Бошланғич уч йиллик мактаб қайта ташкил этилиб, тўрт йиллик мактабга айлантирилсин.

Умумий таълим мактабида таълим ва тарбиянинг қуйидаги мақсадлари ҳамда вазифалари белгиланди:

— Бошланғич мактаб (I—IV синфлар) болаларни ҳар томонлама камол топтиришга асос солиши, тез, онгли, ифодали ўқиш, ҳисоблаш, саводли ёзиш, ривожланган нутқ, маданий хулқ-атворнинг мустаҳкам кўникмаларини шакллантириши таъминлаши лозим. У ўқишга ва ижтимоий фойдали меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга меҳр-муҳаббатни тарбиялаши керак. Бошланғич мактабдаги таълим муддатини бир йил узайтиришдан болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантиришни яхшилаш, музика, тасвирий санъат билан шуғулланиш ва атроф-муҳитни тушуниш учун фойдаланиш ҳам лозим;

— Тўлиқсиз ўрта (тўққиз йиллик) мактаб (I—IX синфлар) ўқувчиларни илм-фан асослари соҳасида мунтазам билимлар билан қуроллантириши, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириши, мактаб, ўқувчиларини ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг илмий асослари билан энг муҳим касблар билан таништириши, мустақил ишлаш кўникмалари ва маҳоратини сингдириши керак. Тўққиз йиллик мактаб барча ўқувчилар учун мажбурий бўлиб, умумий ўрта ва ҳунар таълими олиш учун база ролини ўйнайди.

— Ўрта мактаб —I—XI (XII) синфлар—ёшларга умумий ўрта таълим беришни таъминлайди, айрим предметлар юзасидан чуқурроқ машғулотлар ўтказиш, меҳнат маҳоратлари ва кўникмаларини эгаллаш, оммавий касблардан бири соҳасида бошланғич малака олиш имкониятларини кенгайтиради. Бу ерда шахснинг ғоявий-маънавий ва гражданлик фазилатлари янада чуқур асосда шакллантирилади.

СССР Маориф министрлигига умумий таълим ўн бир йиллик мактабининг янги типовой ўқув планини ишлаб чиқиш ва уни 1986—87 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш тартибини уч ой муддат ичида ишлаб чиқиш топширилди. Унда ҳафтасига ўқув соатининг қуйидаги миқдори кўзда тутилсин: 1 синфда — 20 соат, II синфда—22 соат, III—IV синфларда — 24 соат, V—VIII синфларда —30 соат ва IX—XI (XII) синфларда — 31 соат.

Физика-математика, химия-биология, ижтимоий-гуманитар ва техника циклларидаги айрим предметлар юзасидан ўз билимларини чуқурлаштиришни хоҳловчи мактаб ўқувчилари учун типовой ўқув планидан ташқари ҳафтасига VII—IX синфларда — 2 соат ва X—XI (XII) синфларда — 4 соат вақт ажратиш кўзда тутилсин. Иттифоқдош республикаларнинг миллий мактабларида рус тилини ўрганиш учун II—XI (XII) синфларда ҳафтасига қўшимча равишда 2—3 соат вақт ажратилади.

Умумий таълим мактабларида ўқувчиларга меҳнат тарбияси, таълими бериш ва уларни касб танлашга ўргатишни яхшилаш мақсадида қўшимча равишда мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-фойдали, унумли меҳнат қилиши учун: II—IV синфларда ҳафтасига 1 соат, V—VII синфларда 2 соат, VIII—IX синфларда 3 соат, X—XI (XII) синфларда 4 соатгача вақт ажратиш жорий этилади, шунингдек, ўқувчиларнинг: V—VII синфларда 10 кун, VIII—IX синфларда 16 кун ва X (XI) синфда ҳар йилги меҳнат практикаси учун 20 кун жорий қилинади. Шу муносабат билан синфлардаги ўқув йилининг муддати тегишли кунлар миқдорида узайтирилади. Меҳнат практикасини ўташ муддатлари ва тартибини халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари маҳаллий шароитларга қараб белгилайдилар.

Умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини ўқув йили вақтида қишлоқ хўжалик ишларига ва ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга чалғитиш тақиқланди.

Янги ўқув планларига зарур шарт-шароитлар яратилишига қараб босқичма-босқич ўтилсин.

СССР Маориф министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига асосан 1986 — 1990 йилларда болаларни 6 ёшдан ўқитишга ўтишни амалга ошириш топширилди. Районларда зарур шароитлар вужудга келганлигини: ўқиш жойлари билан, ўқитувчи ва тарбиячи кадрлар билан, куни узайтирилган группалар билан таъминланишни эътиборга олиб, бу усулга ўтишнинг конкрет плани ишлаб чиқилсин. Таълим йиллари бўйича ўқув материалининг мазмуни белгилаб қўйилсин, 6 ёшли болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ келадиган дарсликлар ва кўргазмали ўқув қуроллари тайёрланиб, 1986 йилгача нашр этилсин. Соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда болаларни диспансер кўригидан ўтказиш, ўқув топшириқларини нормалаш ва мактаб гигиенаси талабларига риоя этиш таъминлансин. Олти ёшли болалар учун дарс муддати 35 минутли қилиб белгилансин.

6 ёшли болаларга мактабда таълим бериш учун шароит яратилгунича, уларга болалар боғчаларида 1 синф программаси асосида ўқитувчиларни жалб этиб, таълим бериш уюштирилади. Болалар боғчасида 1 синф ягона программаси асосида ўқимаган болалар 7 ёшидан бошлаб бошланғич мактабнинг амалдаги уч йиллик ўқув планига мувофиқ ўқитилади. Болаларни 6 ёшдан ўқитишга ўтишнинг ҳар бир мактабдаги конкрет муддатларини халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари белгилайдилар.

СССР Маориф министрлигига, СССР Педагогика фанлари академиясига СССР Фанлар академияси билан биргаликда фан-техника ва социал тараққиётнинг ҳозирги эҳтиёжларига мувофиқ равишда мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг ғоявий-назарий савиясини янада ошириш чораларини кўриш топширилди.

Ўқув программалари ва дарсликларнинг мазмунини қайтадан кўриб чиқиш, табиий ва ижтимоий фанларнинг табиат ва жамият тараққиёти қонунларини очиб берувчи асосий тушунчалари ҳамда ғояларини фан ва техниканинг ҳозирги ютуқларини, коммунистик қурилиш практикасини ҳисобга олиб аниқ ва равшан баён этишни таъминлаш зарур; ўқувчиларнинг ортиқча банд бўлиши, ўқув материаллари мураккаблиги, ўринсиз қайтариқлар ва формализм тугатилсин; табиий ва гуманитар фанларни ҳаёт билан боғлаб ўқитиш кучайтирилсин, уларни ўқитиш атрофидаги дунёни билиб олишда ёшларга яхшироқ ёрдам беришига эришилсин.

СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Педагогика фанлари академиясига, СССР Фанлар академиясига умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари талабларига биноан қуйидагилар топширилди:

мактабларда, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчиларнинг умумий маълумот ягона даражаси таъминлансин;

Табиий-математика цикли предметларини ўқитиш савияси оширилсин, у ёш авлодда дунёнинг замонавий табиий-илмий манзарасини ҳосил қилишга, илм-фандан замонавий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларида ва бошқа фаолият соҳаларида амалий равишда қўлланиш ҳақида билим ва тасаввурлар беришга қаратилсин;

Умумий таълим мактабларининг, ҳунар-техника билим юртларининг, ўрта махсус ўқув юртларининг юқори синфларида электрон-ҳисоблаш техникасининг асосларини ўргатиш ташкил этилсин, шу тариқа ўқувчиларда компьютерларни ишлатиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва улар халқ хужалигида шу техникадан кенг қўлланиш тўғрисидаги билимлар билан қуроллантирилсин. Шу мақсадда ўқувчилар учун махсус курс ишлаб чиқиш, зарур дарсликлар, ўқув қўлланмалари, мактаб ва мактаблараро кабинетлар ташкил этиш, шунингдек, база корхоналарнинг ва бошқа муассасаларнинг компьютер техникасидан ўқув мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилсин.

Умумий таълим мактабларининг ўқув жараёнига компьютерларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган психологик-педагогик проблемаларни тадқиқ этиш йўлга қўйилсин ва унинг натижалари 1986 йилда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советига маълум қилинсин.

Қарорда ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган. Бу фанларни ўқитиш коммунистик идеалларни, юксак ахлоқий-ҳуқуқий фазилатларни, социалистик интернационализм ва ўз мамлакати учун фахрланиш туйғуларини, меҳнатга ва социалистик Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш, совет турмуш тарзининг афзалликларига эътиқод буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилиши керак.

Ўрта умумий таълим мактаблари, ўрта ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари учун янги «Жамиятшунослик» курси ишлаб чиқилсин, 1987 йилда шу предмет юзасидан программа ва дарслик тайёрланиб, улар эксперимент тарзида синаб кўрилсин. Инсоният цивилизациясининг ривожланиши ҳақида яхлит билимни шакллантириш учун умумий тарих ягона курси яратилсин, унинг СССР тарихи курсини ўқитиш билан ўзаро боғланиши таъминлансин. Иттифоқдош республикаларнинг тарихини ўқитиш тартибга солинсин. «Воспитание школьников» ва «История и обществоведение в школе» журналларини ҳар ойда чиқаришга рухсат берилди.

Ўқувчиларга экономика ва экология таълими беришда географияни ўргатиш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Иттифоқдош республикаларнинг географиясини ўқитиш СССР географияси курси билан узвий равишда боғлансин.

Юксак маънавий идеаллар ва эстетик эҳтиёжлар соҳиби бўлмиш маънавий бой, уйғун камол топган шахсни вояга етказишда адабиёт дарсларининг роли кучайтирилсин. Ўрта мактабда адабиётни ўқитишга рус, совет ва чет эл классикасининг энг яхши асарларини ўргатиш асос қилиб олинсин. СССР Маориф министрлигига, СССР Фанлар академиясига, СССР Педагогика фанлари академиясига, СССР Маданият министрлигига, ижодий союзларга иттифоқдош республикаларнинг маориф министрликлари иштирокида мактабдаги адабиёт курсининг, музика, бадиий, адабий ижодкорлик, кино санъати юзасидан факультатив машғулотлар ва синфдан ташқари иш программалари ҳамда қўлланмаларининг мазмунини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш топширилди. Адабиёт ва санъат арбоблари болалар билан бевосита иш олиб боришга кенгроқ жалб этилсин.

Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш қатъиян яхшилансин. Ўқувчиларнинг ҳарбий-амалий ва ҳарбий-жисмоний маҳоратлари ҳамда кўникмаларини ривожлантиришга, уларда социализм ғалабаларининг ҳимоячиси, интернационалист ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилсин. Ўқишдан ташқари вақтда физкультура ва спорт машғулотларининг хилма-хил формаларини ривожлантириш, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялашнинг энг муҳим йўналиши деб ҳисоблансин.

СССР Маориф министрлигига, СССР Фанлар академиясига, СССР Педагогика фанлари академиясига, иттифоқдош республикаларнинг маориф министрликларига мактабнинг вазифаларига ва янги ўқув планига мувофиқ амалдаги дарсликларни қайта ишлаб чиқиш, уларнинг ғоявий-тарбиявий даражасини ошириш, уларнинг янада тушунарли бўлишини, амалий ишларга қаратилишини, фанлараро алоқаларини таъминлаш топширилди. Қўлланмалар ва дидактик материаллар билан бир комплексда такомиллаштирилган янги дарсликлар тайёрланиб, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети билан биргаликда нашр қилинсин. Дарсликларни яратишга тажрибали ўқитувчилар, методистлар ва олимлар жалб этилсин.

Янги дарсликлар қоида тариқасида, конкурслар асосида нашр этилиши ҳамда мактабларда пухта ва кенг эксперимент синовидан кейин жорий этилиши белгилаб қўйилди.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, СССР Маориф министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва СССР Молия министрлиги билан биргаликда СССР Министрлар Советига мактаб дарсликларини ва ўқув-методик қўлланмаларини яратган авторларни моддий рағбатлантиришни яхшилаш тўғрисида таклиф киритиш тавсия қилинди.

СССР Маориф министрлигига, СССР Педагогика фанлари академиясига, иттифоқдош республикаларнинг маориф министрликларига таълим методлари ва воситаларини такомиллаштириш, унинг актив формаларини биринчи ўринга чиқариб қўйиш; ўқувчиларни китоб билан мустақил ишлашга ўргатиш; таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий формаси бўлмиш дарснинг самарадорлигини ошириш; юқори синфларда лекция ва семинар машғулотлари ўтказиб туришни одат тусига киритиш; таълимнинг кабинет системасини ташкил этишни такомиллаштириш таклиф қилинди.

Бутун таълим даври мобайнида мактаб ўқувчиларини психология-педагогика жиҳатидан ўрганишни яхшилаш, уларнинг қизиқишлари ва майлларини аниқлаш, шунингдек, айрим ўқувчиларнинг ўқишда орқада қолиши ва хулқ-атворидаги камчиликлари сабабларини ўз вақтида ўрганиш, шу ҳодисаларни тугатишнинг энг самарали йўлларини танлаб олиш зарур, деб топилди.

Қарорда педагогик ишлардаги расмиятчиликни сабот билан тугатиш, таълим беришнинг энг мақбул усуллари, шакллари ва воситаларини танлаб олишда ўқитувчиларнинг имкониятларини кенгайтириш, педагогика фанининг ютуқларини практикага дадилроқ жорий этиш, педагогик ишларнинг икир-чикирларигача белгилашга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди. Ўқитувчилар билан методик ишни активлаштириш, уларнинг ташаббусини, ижодий изланишларини ҳар томонлама ривожлантириш, илғор педагогика тажрибасини чуқурроқ ўрганиш лозим. Синф раҳбарининг роли ва эътибори оширилсин, болалар билан таълим ва тарбия ишида унга зарур шарт-шароитлар яратиб берилсин. Ўқитувчилар ва тарбиячилар учун мўлжалланган методик адабиётнинг сифатини ошириш таъминлансин, ўқув-методик комплектлар яратилиб, уларга илмий-оммабоп, справка материаллари, дидактик материаллар ва кўргазмали қўлланмалар киритилсин.

СССР Маориф министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига халқ маорифи органларининг, педагоглар коллективлари ва ҳар бир ўқитувчининг мактаб иши мазмуни ҳамда самарадорлиги учун масъулиятини ошириш таклиф қилинди. Расмиятчилик ва процент кетидан қувиш, ўқувчиларнинг билими ва хулқ-атворига баҳо беришда кўнгилчанлик фактлари мактаб практикасидан қатъиян чиқариб ташлансин. Мактабларнинг ўзлаштириш тўғрисидаги ҳисоботи бекор қилинсин. Ўқитувчиларнинг ва умуман мактабнинг ишига баҳо беришнинг илмий асосланган мезонлари ишлаб чиқилсин, мактаб ўқувчиларининг билимига холисона баҳо берилиши учун уларнинг масъулияти оширилсин, бунда мактаб ва ўқитувчи фаолиятининг натижалари ўз талабалари билимларининг чуқурлиги ва пухталиги билан, ғоявий ва ахлоқий хусусиятлари билан, уларнинг турмушга ва меҳнатга нақадар тайёрланганлиги билан белгиланиши лозимлиги эътиборга олинсин.

Мактаб ўқувчилари тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабни тамомлаганидан кейин уларни табақалаштириб аттестация қилиш системаси ишлаб чиқилиб жорий этилсин, айрим предметлардан қониқарсиз баҳо олган ўқувчиларни юқори синфга ўтказиш ёки қайта ўқитиш учун қолдириш тўғрисидаги масалаларни узил-кесил ҳал этишда мактаблар педагогика советларининг роли оширилсин. 1985/86 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар учун янги қоидалар, хулқи учун, ўқишга ва ижтимоий фойдали меҳнатга мойиллиги учун баҳо қўйиш нормалари, шунингдек тўққиз йиллик мактабни энг яхши битириб чиққанларга имтиёзли шаҳодатномалар ҳамда ўрта мактабни битириб чиқувчиларга олтин медаллар билан бир қаторда кумуш медаллар бериш жорий этилсин.

Таълимни ташкил этишни яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни кўриш зарур деб топилди:

I—IX синфларда кўпи билан 30 ўқувчи, X—XI (XII) синфларда 25 тагача ўқувчи бўлсин. Шунга мувофиқ равишда умумий типдаги умумий таълим интернат-мактабларининг синфлари ва тарбия группаларидаги ўқувчилар сони камайтирилиб, I—IX синфларда 30 кишигача ва X—XI (XII) синфларда 25 кишигача қолдирилсин, етим болалар учун ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун умумий таълим интернат-мактабларида эса I—IX синфларда 25 кишигача, мактаб ёшидаги болалар учун болалар уйларидаги тарбия группаларида 25 кишигача, умумий типдаги умумий таълим интернат-мактабларидаги, етим болалар ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун интернат-мактаблардаги, болалар уйларидаги мактабгача ёшдаги болалар группаларида 20 кишигача қолдирилсин. Бу тадбирлар 1986 йилдан эътиборан биринчи синфдан бошлаб 11 йил мобайнида изчиллик билан амалга оширилсин.

Умумий таълим мактабларида (интернат-мактабларда): шаҳар мактабларининг 25 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган, қишлоқ мактабларининг 20 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган V—IX синфларидаги, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг 20 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган X—XI (XII) синфларидаги меҳнат таълими дарсларида; рус бўлмаган тилда ўқитадиган мактабларнинг 25 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган I—IX синфларидаги ва 20 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган X—XI (XII) синфларидаги рус тили ва адабиёти дарсларида; 25 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган V (IV)—IX синфларида, 20 ва ундан ортиқ ўқувчиси бўлган X—XI (XII) синфларида чет тили дарсларида синфларни икки группага бўлиш жорий этилсин.

СССР Маориф министрлигига СССР Молия министрлиги билан келишиб, кам комплектланган умумий таълим мактабларининг I—IV синфларидаги штатлар ҳисоб-китоб тартибини белгилаш, 1986 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳамма ўрта умумий таълим мактабларида синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбиявий иш ташкилотчиси лавозимини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилди.

СССР Маориф министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига дудуқ болалар, психологик-жисмоний жиҳатдан ривожланмаган, мажруҳ болалар учун махсус мактаблар ва интернат-мактаблар тармоғини, шунингдек ақлий ривожланиши кечиккан болалар учун бараварлаштириб олиш синфлари тармоғини ҳар бир регионнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда янада ривожлантиришни таъминлаш таклиф қилинди. СССР Маориф министрлиги, СССР Педагогика фанлари академиясининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг эътибори кечки ва сиртқи мактабларнинг иш мазмунидаги ва ташкил этилишидаги жиддий камчиликларни тугатиш, улардаги таълим-тарбия жараёни сифатини, ўқувчиларга нисбатан билим олиш учун талабчанликни ошириш зарурлигига қаратилди; ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда ишловчи ёшларнинг умумий ўрта таълимни туғаллашининг энг самарали шаклларини белгилаш, умумий ўрта таълим олишнинг экстернат шаклини жорий этиш практикасини кенгайтириш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР- Министрлар Совети куни узайтирилган мактаблар ва группалар тармоғини кенгайтириш ва фаолиятини яхшилаш, уларда болаларнинг техника ва бадиий ижодкорлик билан, қишлоқ хўжалик тажрибакорлиги, спорт, туризм билан мунтазам шуғулланишларини, ўлкашунослик тўгаракларида ва ўз қизиқишларига қараб бошқа машғулотларда қатнашини таъминлаш зарур деб топдилар. СССР Маориф министрлиги билан СССР Молия министрлигига тўгарак раҳбарларининг меҳнат ҳақи учун ажратиладиган маблағни кўпайтиришни кўзда тутиш ва бу ҳақни қуйидаги миқдорларда: синфлар сони 5 тадан 10 тагача бўлган мактабларда ўқитувчи ставкасининг 0,5 қисми, синфлар сони 10 тадан 20 тагача бўлган мактабларда ўқитувчининг 1 ставкаси, синфлар сони 20 та ва ундан ортиқ бўлган мактабларда 1,5 ставка ҳақ тўлаш таклиф қилинди.

Куни узайтирилган группаларда 30 киши, кам комплектланган мактабларда эса 20 киши бўлиши кераклиги белгиланди. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига айрим ҳолларда кам комплектланган мактабларда озроқ ўқувчилар билан ҳам куни узайтирилган группаларни тузиш ҳуқуқи берилди. Куни узайтирилган группаларни тўлдиришнинг шу нормалари 1990 йилдан жорий этилади.

СССР Маориф министрлигига, СССР Маданият министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мактабдан ташқари тарбиявий ишни такомиллаштириш чораларини кўриш таклиф қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўқувчилар билан истиқомат жойида ишлашни тубдан яхшилашлари, турли қизиқарли клублар, техника ва бадиий ижодкорлик тўгараклари, спорт секциялари тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Уй-жой корпусларида болалар ва ўсмирлар билан ишлаш хоналари ажратилиб, жиҳозлаб қўйилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига шаҳар ва қишлоқ жойларидаги мактабдан ташқари муассасалар тармоғини ривожлантиришнинг ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг 1990 йилгача мўлжалланган конкрет программасини ишлаб чиқиб амалга ошириш, ҳар бир районда пионерлар ва ўқувчилар уйи барпо этишни назарда тутиш таклиф қилинди. Мактабдан ташқари муассасалар қурилишига 1986—1990 йилларда 200 миллион сўм миқдорида капитал маблағ сарфланади.

Ёш авлодни тарбиялашда оилага ёрдамни кучайтириш, бу ишда оиланинг роли ва масъулиятини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни кўриш таклиф қилинди. Ота-оналар комитетларининг фаолиятини активлаштириш, ота-оналарга педагогикадан умумий таълим бериш системаси таъсирчанлигини оширишни таъминлаш зарур деб топилди.

Қарорда ВЦСПСнинг ўқувчилар билан синфдан ташқари ишни ташкил этишда касаба союзларининг иштирокини янада кенгайтириш тўғрисидаги тадбирлари маъқулланди.

СССР Маориф министрлигига, СССР Педагогика фанлари академиясига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига илмий-тадқиқот институтлари, педагогика олий ўқув юртлари ва университетларнинг куч-ғайратларини халқ маорифини такомиллаштиришнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларидан, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларидан келиб чиқадиган проблемаларини ишлаб чиқишга сафарбар этиш таклиф қилинди. Ёш авлодда илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш; умумий ўрта таълим шароитида таълим ва тарбия методикаси; меҳнат таълими, касб танлашга ўргатиш ва таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшиш; ёшларга умумий ҳунар таълими бериш; мактабгача ёшдан бошлаб болаларга таълим ва тарбия беришнинг ҳамма босқичларида шахсни ҳар томонлама камол топтириш проблемалари юзасидан илмий-психологик тавсияномаларни ишлаб чиқиш сингари энг муҳим йўналишлар юзасидан тадқиқотлар ўтказилишига алоҳида эътибор берилсин.

Москва шаҳрида, СССР Педагогика фанлари академияси составида Халқ маорифини бошқариш ва унинг экономикаси илмий-тадқиқот институтини ташкил этишга ижозат берилди. СССР Маориф министрлиги билан СССР Педагогика фанлари академиясининг Москва область Горки-Ленинские посёлкасидаги экспериментал мактаб негизида Бутуниттифоқ халқ маорифи музейини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларидан, халқ депутатлари ўлка, область Советларининг ижроия комитетларидан халқ маорифи органларининг иш услуби ва методларини такомиллаштириш, мактабларнинг фаолияти устидан инспекторлик назорати самарадорлигини ошириш, раҳбар ва педагог кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, уларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш чораларини кўришларини талаб қилдилар. СССР Маориф министрлигига ўрта умумий таълим мактабининг уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари янги мактаб бинолари, қўшимча синфхоналар ва умумий таълим мактабларининг мавжуд биноларига етишмайдиган бошқа хоналар, педагогика ўқув юртлари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари учун ўқув-лаборатория бинолари ва ётоқхоналар қурилиши планларининг бажарилишини таъминлашлари керак.

1986 — 1990 йилларда:
камида 7 миллион ўринли, шу жумладан қишлоқ жойларда 2,64 миллион ўринли умумий таълим мактабларини:

педагогика олий ўқув юртлари учун жами саҳни 1 миллион квадрат метр ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари учун 325 минг квадрат метр келадиган ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек педагогика олий ўқув юртлари учун жами саҳни 450 минг квадрат метр ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари учун 130 минг квадрат метр келадиган ётоқхоналарни қуриб ишга тушириш топшириқлари белгиланди.

Совхозлардаги умумий таълим мактабларини СССР Озиқ-овқат программасида белгиланган топшириққа мувофиқ «Қишлоқ хўжалиги» тармоғига ажратилган маблағ ҳисобидан қуриш керак. Колхозларга ўз маблағи ҳисобидан умумий таълим мактаблари қурилишини ва уларни реконструкция қилишни кенгайтириш, бу мактабларда таълим-тарбия ишини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб қўйиш тавсия этилди.

Қарорда умумий таълим мактабларининг ҳамда интернат-мактабларнинг биноларини бошқа министрликлар ҳамда идораларга бериш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланди.

СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, СССР Маориф министрлигига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ўқув юртларида умумий овқатланишнинг ташкил этилишини яхшилаш, илмий ишлаб чиқилган рационлар асосида, умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техникавий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хизмат формалари ва методларини такомиллаштириш орқали барча ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш таклиф қилинди.

Қарорда умумий таълим мактаблари учун кўргазмали ўқув қўлланмалари, ўқув асбоб-ускуналари ва мебель ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирлари тасдиқланди. СССР Маориф министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ва халқ маорифи органларига 1986—1990 йилларда мактабларнинг ўқув кабинетлари, устахоналари, физкультура заллари, синф хоналари ва бошқа биноларини кўргазмали ўқув қўлланмалари билан, ўқув асбоб-ускуналари ва мебель билан амалдаги рўйхатларга мувофиқ тўла-тўкис таъминлаш, худди шу муддатларда барча тўққиз йиллик ва ўрта мактабларда ўқув кабинетлари ва устахоналари барпо этишни туғаллаш топширилди.

СССР Маориф министрлигига ва иттифоқдош республикаларнинг маориф министрликларига халқ маорифи муассасаларига раҳбарлик савиясини ошириш, иш услуби ва методларини, инспекторлик контролини яхшилаш, халқ маорифи тармоғини планлаштиришни ташкил этишни яхшилаш чораларини кўриш, маорифнинг ҳолати чуқур таҳлил этилишини, таълим ва тарбия ишининг илғор тажрибаси кенг оммалаштирилишини таъминлаш таклиф қилинди.

СССР Молия министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига СССР Маориф министрлиги билан биргаликда СССР Маориф министрлиги марказий аппаратининг янги структураси ва штатлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида халқ маорифи район ва шаҳар бўлимларининг намунавий структураси ва штатлар нормативлари ишлаб чиқилиб, 1985 йилда тасдиқлансин.

СССР Маориф министрлигига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига халқ маорифи соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда маориф, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларига амалий раҳбарликни кучайтириш учун марказда ва жойларда идоралараро комиссиялар тузиш тўғрисидаги таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари, ўлка ва область комсомол комитетлари ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва ҳаваскорлигини ривожлантириш, мактаб комсомол ва пионер ташкилотларининг, ўқувчилар комитетларининг обрўсини ошириш, уларнинг болалар ва ўсмирлар мустаҳкам билим олиши, юксак тарбияланган бўлиши ва хулқ-атвор маданияти учун курашдаги, мактаб ишларини бошқаришдаги, жамоат ва меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги ролини ошириш чораларини кўришлари керак. Мактабларнинг ва бошқа ўрта ўқув юртларининг юқори синф ўқувчилари учун ойлик ижтимоий-сиёсий журнал нашр этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг умумий таълим мактаби ва бошқа маориф муассасалари ишининг энг зарур масалаларига диққат-эътиборини кучайтириш таклиф қилинди. Болаларни 6 ёшдан ўқитишга ўтиш, мактаб ўқувчиларининг ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатини ташкил этиш, ёшларга умумий ҳунар таълимини жорий этиш, мактабларнинг, айниқса қишлоқ мактабларининг таълим-моддий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари рўёбга чиқарилишини таъминласинлар. Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия бериш сифатини тубдан яхшилаш учун коммунист ўқитувчиларнинг авангардлик роли ва масъулиятини оширсинлар.

оллектив участка с досрочным окончанием
проходки перегонного тоннеля !

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

МЕТРОСОЗЛАРНИНГ ЯНГИ ЗАФАРИ

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА РЕПОРТАЖ

Тошкент метросининг иккинчи линияси биринчи навбати қурилиши жадал суратда давом этаяпти. Янги линиянинг ишга туширилишига қарийб 6 ой вақт қолди. Метросозлар бутун куч ва имкониятларини зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни бажаришга қаратмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида узунлиги 5,6 километр бўлган линия фойдаланишга топширилади.

Метронинг иккинчи линияси биринчи навбати —«Навоий» — «Ўзбекистон» — «Космонавтлар проспекти»— «Ойбек»— «Тошкент» станцияларидан иборат бўлиб, бу линия Тошкент вокзалини пойтахтнинг энг сергавжум Навоий кўчаси билан боғлайди. Ҳозир барча ер ости бекатларида пардозлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Байрам арафасида метросозлар яна бир меҳнат зафарини қучдилар. Биринчи участкасининг Космонавтлар проспекти станцияси томонидан келувчи тоннели «Ўзбекистон» станцияси билан туташтирилди. Бу ерда трассанинг энг сўнгги лаҳм қазиш ишлари ниҳоясига етказилди. Икки ҳафта мобайнида лаҳмчилар 15 минг куб метр тупроқ қазиш ишларини бажардилар.

Навбатдаги меҳнат зафарига бағишланган митингда сўзга чиққан трест раҳбарлари ва илғор метросозлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида 5 та станцияни ишга туширишга ваъда бердилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди ва метросозларни янги ғалаба билан қизғин табриклади.

СУРАТДА: тоннелни туташтиришда жонбозлик кўрсатган Г. Люстер ва В. Вячеславцев бошлиқ бригада аъзолари бир-бирини меҳнат зафари билан муборакбод этмоқдалар.

Т. Каримов фотоси.

● ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (МОСКВА) — 3:2

Кеча Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги турида Москванинг «Динамо» командасини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонлар дарвозасига учала тўпни ҳам командага қайтиб келган А. Якубик киритди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 МАЙ СОАТ 13.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар: ҚЎЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, ЎКТАМ АҲМЕДОВ, МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА, ФИРУЗА СОЛИҲОВА, МАЪМУРЖОН МАДВАЛИЕВ, ФИРУЗА МИРҲАМИДОВА, НУРИЛЛА ЖУМЁЗОВ, РАЪНО ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани —Шоира ЭРМАТОВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — ОРТИҚ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати РАВШАНОЙ ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — АСҚАРАЛИ ХИДИРОВ.

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАРИ УЙИДА

1, 2 МАЙ СОАТ 20.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати
АНВАР РУСТАМОВ

Солистлар: Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Раҳима НОСИРОВА, Ҳотам ХОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани Ўткир СИДДИҚОВ **олиб боради.**

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Қодир МЎМИНОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОЭШИТТИРИШ УЗЕЛИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА ЯНГИ ҚУРИЛГАН УЙЛАР КВАРТИРАЛАРИДА 3 ТА ПРОГРАММАЛИ РАДИОНУҚТАЛАР ИШЛАЙ БОШЛАГАНИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Квартирада нечта радио нуқта бўлишидан қатъий назар, радиоэшиттириш нуқтасидан фойдаланганлик учун ойига 50 тийиндан ҳақ тўланади.

Бундай радиоэшиттириш нуқтасидан фойдаланиш қулай, ишончли ва тежамлидир. Сиз Марказий ва маҳаллий радиопрограммаларини бемалол тинглашингиз мумкин.

Радионуқталарни ишга тушириш ва ўрнатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳар радиоэшиттириш узелига мурожаат қилишингиз мумкин: унинг адреси: Академик Сулаймонова кўчаси, 31-уй, 9-«а» корпус. Телефонлар: 32-26-32, 33-71-01.

Радио тармоқлари абонентлари учун радио нуқталарини ремонт қилиш бўйича заявкалар бюроси кеча-кундуз ишлайди.

КЎП ПРОГРАММАЛИ РАДИОЭШИТТИРИШ НУҚТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЯНГИОБОД ШАҲРИДАГИ
Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ 174-ЎРТА
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўрта маълумотлилар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб келганлардан (ўқиш муддати — 8 ой)— **тозалаш забойи бўйича кон ишчиси; қурилиш электромонтажчиси, сувоқчи-пардозловчи-плиткачи, слесарь-сантехник** (электр-газ пайвандчи ҳуқуқи билан), **қудуқларни механик айланма пармалаш бўйича пармаловчи, автокран машинисти** (шофёрлик гувоҳномаси билан), **озиқ-овқат моллари сотувчиси—ўқиш муддати— 1 йил.**

8-синф ҳажмида маълумотлилар базасида (ўқиш муддати— 3 йил) — **сувоқчи-пардозловчи-плиткачи, шахта электрослесари, газ электр пайвандчи, автослесарь** (шофёрлик гувоҳномаси билан), **қудуқларни механик айланма пармалаш бўйича пармаловчи** (шофёрлик гувоҳномаси билан), **озиқ-овқат моллари сотувчиси, саноат моллари сотувчиси, ошпаз.**

БИЛИМ ЮРТИДА 3 ЙИЛ ЎҚИЙДИГАН ГРУППАЛАРГА 14,5—15 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртида 1 йил ўқиб битирганларга эгаллаган ихтисоси бўйича малака олганлиги ҳақида аттестат берилади. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан 107 сўмгача стипендия тўланади (стипендия ҳажми танлаган ихтисосига боғлиқ).

Билим юртини 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

Билим юртига қабул кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бепул овқат, кийим-бош ва яхши жиҳозланган ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 33 процентидан 50 процентигача ўқувчиларга берилади.

Билим юртини «имтиёзли» диплом билан битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгиобод шаҳри, 2-алоқа бўлими, 14-квартал.

---

1 МАЙДА

«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»

МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ЁЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚЛАР, СУВ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, МОТОРЛИ ҚАЙИҚЛАР, КАТЕР, АРҒИМЧОҚ ВА ТЕПЛОХОД ИШЛАЙДИ.

Боғда сув бўйида чодирли шаҳарча ташкил этилган.

БУ ШАҲАРЧАДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШ МУДДАТИ ЧЕКЛАНМАГАН.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ДАМ ОЛИШДА ҲИСОБ-КИТОБНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ

ЁЗГИ ТЕАТРИДА

5—6 МАЙ СОАТ 20.30 ДА

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЁЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Санобар РАҲИМОВА, Ҳасан КАРИМОВ **ва бошқалар.**

ПРОГРАММАДА сатира ва юмор, пародиялар, ҳазил ва лирик қўшиқлар.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса соат 14.00 дан 18.00 гача очиқ.

ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ—МЕҲМОН ҲУРМАТИ!

МУЗҚАЙМОҚ

Музқаймоқни кичик ликопчаларда устини янги узилган ёки консерваланган мевалар билан безаб дастурхонга тортиш мумкин. Агарда бу таомни яна бирмунча такомиллаштирадиган бўлсак, музқаймоқдан талай лаззатли ичимликлар тайёрлаш мумкин бўлади. Бунинг учун мевалар мураббоси, шарбати, консерваси, кофе, ширинликлар керак бўлади.

БУНДАЙ ИЧИМЛИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ КЎРИНГ. БИР НЕЧА РЕЦЕПТИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

СУТЛИ ҚОКТЕЙЛЬ

сутли коктейль—сут, музқаймоқ ва сиропдан тайёрланади. Ҳар хил сиропларни ишлатиш мумкин. Лекин мева сироплари музқаймоқ билан бошқа қўшимчаларсиз яхши ҳамоҳанглашади ёки сутли-мевали музқаймоқ билан тотли бўлади, шоколадли сироп эса шоколадли музқаймоққа бошқа қўшимчаларсиз бемалол аралаштирилади.

Масаллиқларни аввал кўпчитиш ва совутилган бокалларга қуйиб дастурхонга тортиш мумкин.

Бир порция таом учун — 150 грамм сут, 25 грамм музқаймоқ, 25 грамм сироп олинади.

ГАЗ СУВЛИ ҚОКТЕЙЛЬ

Бу таом ҳам сутли коктейль сингари тайёрланади. Бунда фақат сут ўрнига газлаштирилган ёки минерал сув ишлатилади. Коктейль қуйилган бокалларга бир бўлакча муз ҳам солиш мумкин.

Бир порция таом учун — 100 грамм газли сув, 50 грамм музқаймоқ, 30—40 грамм сироп олинади.

УЗУМ ШАРБАТЛИ ҚОКТЕЙЛЬ

Ярим стакан узум шарбатига миксерда 50—100 грамм қаймоқли музқаймоқ солиб аралаштирилади. Ҳар бир стаканга лимон мевасининг бир неча томчи шарбати эзиб солинади.

«ТАШЛИМВОДТОРГ»нинг
ШАҲАРДАГИ БАРЧА «МОРОЖЕНОЕ» КИОСКАЛАРИ ВА КАФЕЛАРИДА

МУЗҚАЙМОҚЛАР, МЕВА ШАРБАТЛАРИ (узум, олма, томат), ИЧИМЛИКЛАР (олма, мандарин, лимон, апельсин), МИНЕРАЛ СУВЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

«ТАШЛИМВОДТОРГ» (телефон 56-57-15).

ТУРЛИ ХИЛ СУМКАЛАР КЕРАК...

БИЗ ИШГА ҲАМ, МЕҲМОНГА ҲАМ, МАГАЗИНГА ВА ТЕАТРГА ҲАМ БОРАЁТГАНИМИЗДА АЛБАТТА СУМКА ОЛИБ КЕТАМИЗ.

ЗАМОНАВИЙ ПОРТФЕЛЬ

«ДИПЛОМАТ»

ЖУДА ҚУЛАЙДИР

У ИШЧИ ВА ИНЖЕНЕРГА, ЎҚИТУВЧИ ВА СТУДЕНТГА ЖУДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛАДИ.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА

ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

СУМКАЛАР: узун ва калта бандли, турли фасонда;

СУМКАЛАР: хўжалик;

ПОРТФЕЛЬ — «ДИПЛОМАТ»лар.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» (телефон 53-51-28).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

душанба

30 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.15 Волейбол бўйича халқаро учрашув. Эркаклар. СССР—Бразилия терма командалари. Ригадан олиб кўрсатилади.
18.45 «Халқаро панорама».
19.35 «Даврани кенг олинг». Эстрада концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Йил фасллари. Баҳор». Музикали эстрада кўрсатуви.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

18.20 «Оқ йўл!» Қозоғистон ёш ижрочиларининг концерти.
19.20 «Рус Давлат музейи». Рус графикаси.
19.45—20.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Кафтдаги олма». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Гулла, яшна Май!» (рус.).
19.00 «Мақсад бирлиги». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Малика Аҳмедова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 Экранда—кинокомедия. «Қароқчи чоллар».
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Ефрейтор Збруевнинг етти каллиғи». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Дўстлик шуъласида». Музикали программа.
20.45 «Меҳнат рапортларимиз — 1 Майга» (рус.).
21.15 «Энг жанубда». Телефильм.
21.30 МТ II

сешанба

1 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Москвадан чекка ўлкаларгача». Телефильм.
10.15 Е. Шевелёва. «Острава яқинидаги кўприк». Поэма.
10.35 Мультфильм.
10.55 «Совет характери». «Буюк халқ ҳақиқати» туркумидан ҳужжатли фильм.
12.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 «Баҳор садолари». Шеърий композиция.
15.30 «Экран дўстларни чорлайди».
16.05 «Чўртан балиқ амри билан». Давлат академик Марказий қўғирчоқ театри фильм-спектаклининг премьераси.
17.20 «Баҳор келяпти». Киноконцерт премьераси.
18.05 «Санъатгода ёмғир ёғмоқда». Бадиий фильм (Франция ва БХР маҳсулоти).
19.30 МЕҲНАТКАШЛАР ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Яна юлдузли онлар». Фильм концерт премьераси.
23.30 «Футбол шарҳи».
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Пионер авлодлари қўшиқлари».
10.10 «Биз БАМни қуряпмиз».
10.55 Мультфильм.
11.10 «Қўшиқ инсон билан қолади».
12.10 Ҳужжатли фильмлар: «Волга», «Етти кўл».
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ— 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач — Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
16.05 В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти.
17.00 А. Софронов. «Табассум учун миллион». Фильм-спектакль.
19.10 Ю. Казаков ҳикоялари.
19.40 Мультфильм.
20.00—20.30 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Швециядан олиб кўрсатилади.
20.45 «Социалистик мамлакатлар пойтахтлари бўйлаб», Кинокўрсатув.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАР ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ—1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Янги аттракцион». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.45 Кўрсатувлар программаси.
9.50 Тошкент. В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ —1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Кўрсатув тугагач —«Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт. «Оҳангларда қалб ҳарорати». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.45 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ— 1 МАЙГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ.
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Баҳор садолари». Болалар учун концерт.
18.50 «Мультипанорама».
19.50 «Ахборот». МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ —1 МАЙНИНГ. БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
20.30 «Май базми». Байрам музикали программаси.
21.30 Москва. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Май базми»нинг давоми. Кўрсатув тугагач —Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00—17.00 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Нечипоровка табассуми». Музикали фильм.
19.30 «Семурғ». Бадиий фильм.
20.35 «Мен ўзимни қўшиққа бағишладим». Телефильм.
21.30 МТ II

РЕСПУБЛИКА
ШАҲАРЛАРАРО
ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Ўрта маълумотли 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган тошкентлик қизларни телефонистлар (коммутатор цехида ишлаш учун) тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Иш куни 6 соатлик. Отпуска 18 кун. Ўқиш даврида ҳар ойда 63 сўмдан стипендия берилади.

Хоҳловчилар алоқа техникуми ёки институтининг сиртқи бўлимида ўқишлари мумкин. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими. Телефон 44-34-34.

Курсларга кирувчилар ўзлари билан паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси ёки ишламайдиганлар ЖЭКдан справка олиб келишлари шарт.

ДОСААФ
ЛЕНИН РАЙОН СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ

«В» ва «С» категорияли профессионал шофёрларни тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

«А» категорияли мотоцикл ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

2,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь революцияси кўчаси, 20-уй.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

30 АПРЕЛЬ, 1984 й. Р—12228. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10